



Ислом Нури

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида яшайдиган
Ўзбекистон Республикасида яшайдиган Ўзбекистон Республикасида яшайдиган

Ўзбекистон:

Бугунги кунда Аллоҳнинг ибодатидан тўсадиган, бузғунчилик ва маст қилувчи ичимликка чақирадиган қўшиқлар ниҳоятда кўпайиб кетди. Уят пардалари йиртилиб бўлган, шоирлар шеърларига басталанган беҳаё куйловчилар қўшиқлари у ёқ бу ёқда кулоққа чалинганда одам тукул ер ҳам ҳаё қилса керак. Мусулмон биродарларимизни куй ва қўшиқ разолатидан огоҳлантириш учун, бу мавзуни баён қилишни ихтиёр қилдик. Чолғу асбоблари, мусиқа ва қўшиқнинг ҳаромлиги ҳақида аҳли суннат уламолари орасида ихтилоф йўқ. Зеро бунинг ҳаромлигига асос бўлган далиллар Қуръон ва ҳадисларда оз эмас. Аллоҳнинг изни ила шу далилларни салаф уламоларимиз сўзлари билан баён қиламиз:

Аллоҳ таоло Луқмон сурасининг 6- оятида бундай дейди:

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида яшайдиган
Ўзбекистон Республикасида яшайдиган Ўзбекистон Республикасида яшайдиган
Ўзбекистон Республикасида яшайдиган Ўзбекистон Республикасида яшайдиган
6:Ўзбекистон) (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида яшайдиган)

Маъноси: “Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар жоҳиллик билан одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштириш ва Аллоҳнинг йўлини масҳара қилиш учун лаҳвул-ҳадисни сотиб оладилар. Мана шундай кимсаларга қиёмат кунда жаҳаннамнинг хор қилгувчи азоблари бор”. Оятдаги лаҳвул-ҳадис калимасини муфассир



Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com



Ислом Нури

Тўртинчи: Саҳобаларнинг ўқувчилари бўлган тобеинлар асарлари билан тафсир қилиш. Чунки бундай зотлар саҳобаларни лозим топиб, уларнинг вафотларига қадар улардан илм ўрганишган.

Булардан кейинги замонларда Қуръонни тафсир қилган кишининг сўзлари, уларнинг тафсирлари билан солиштирилади. Мувофиқ келса олинади, муҳолиф бўлса тарк этилади.

Мавзумизга қайтишдан аввал юқоридаги оят маъносини яна бир бор эсга оламиз: “Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар жоҳиллик билан одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштириш ва Аллоҳнинг йўлини масҳара қилиш учун лаҳвул-ҳадисни сотиб оладилар. Мана шундай кимсаларга қиёмат кунида жаҳаннамнинг хор қилгувчи азоблари бор”.

Мазкур оятдаги лаҳвул-ҳадис калимасининг маъносини муфассирлар имоми бўлмиш Муҳаммад бин Жарир Ат-Тобарий (224-310 -ҳижрий. Аллоҳ таоло у кишини Ўз раҳматига олсин) бундай тафсир қиладилар:

-Абдуллоҳ бин Масъуд розияллоҳу анҳу лаҳвул-ҳадис ҳақида сўралганларида бундай жавоб бердилар: Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли бирор илоҳ йўқ бўлган зотга қасам ичиб айтаманки, лаҳвул-ҳадис қўшиқ деганидир. Ушбу сўзларини уч марта қайтардилар.

-Абдуллоҳ бин Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: лаҳвул-ҳадис қўшиқ ва унга ўхшаш нарсалардир.

-Жобир розияллоҳу анҳу дан ривоят қилинади, айтадиларки: лаҳвул-ҳадис қўшиқ ва уни эшитишдир.

Зикри ўтган саҳобалардан ташқари Мужоҳид, Икрма, Убайд каби



Ислом Нури

муфассир тобеинлар ва бошқалар ҳам лаҳвул-ҳадисни қўшиқ деб тафсир қилишган.

Лаҳвул-ҳадис калимаси тўғрисида бошқа бир машҳур тафсирга кўчсак. Бу тафсир соҳиби Муҳаммад бин Аҳмад Ал-Куртубий (671-ҳижрий йилда вафот этганлар. Аллоҳ таоло бу кишини Ўз раҳматига олсин) лаҳвул-ҳадис калимасини тафсир қилиб айтадиларки: Ибни Масъуд, Ибни Аббос ва булардан бошқаларнинг сўзларига кўра лаҳвул-ҳадис қўшиқ бўлиб, Китоб ва Суннат асосига биноан таъқиқланган. Абдуллоҳ бин Умар розияллоҳу анҳу ҳам лаҳвул-ҳадисни қўшиқ дедилар. Икрима, Маймун бин Мехрон ва Макхул каби уламолар ҳам лаҳвул-ҳадисни қўшиқ дейишган. Абдуллоҳ бин Масъуд розияллоҳу анҳу айтадиларки: Сув ердан ўт-ўланлар ўстирганидек, қўшиқ инсоннинг қалбида мунофиқликни ўстиради. (Ибни Абиддунё ривоятлари). Ал-Қосим бин Муҳаммад айтадиларки: қўшиқ ботил нарса, ботил эса дўзахда бўлади.

Азиз биродарлар, келинг энди юқоридаги оятни лаҳвул-ҳадис калимаси ўрнига муфассирлар сўзини қўйиб яна бир марта эсга олсак: “Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар жоҳиллик билан одамларни Аллоҳнинг йўлидан адаштириш ва Аллоҳнинг йўлини масҳара қилиш учун қўшиқни ва ботил сўзларни (аскияларни) сотиб оладилар. Мана шундай кимсаларга қиёмат кунида жаҳаннамнинг хор қилгувчи азоблари бор”. Шундай экан, донишманд мусулмонлар қўшиқ ва куйни ортларига улоқтириб юбормайдиларми?! Жаннатга беҳатар етиб олиш учун, ҳаром нарсаларни тарк этишда сабрли бўлмоқ лозим. Эй Аллоҳ, бизнинг қалбларимизда қўшиққа нафрат ўйғотиб, Қуръонинг муҳаббатини ўрнаштир!

Қўшиқнинг ҳаромлигига Нажм сурасининг охирги оятлари ҳам асос



Ислом Нури

бўлади. Аллоҳ таоло у оятларда айтади:

{ ۞۞۞۞۞ ۞۞۞۞ {60} ۞۞۞۞ ۞۞ ۞۞۞۞۞۞ {59} ۞۞۞۞۞ ۞۞۞۞۞ ۞۞ ۞۞۞۞ 62} ۞۞۞۞۞۞ ۞۞ ۞۞۞۞۞۞ {61}}}

Ушбу оятлар маъноларини Ат-Тобарий роҳимаҳуллоҳ бундай тушунтирадилар: Аллоҳ таоло Курайш мушрикларига хитоб қилади: Эй одамлар, бу Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам га нозил бўлганидан ажабланыпсизларми? Уни масҳара қилиб куляпсизларми? Унда Аллоҳга осий бўлганларга айтилган қўрқитувларни эшитиб йиғламайсизларми? Ҳолбуки, сизлар Аллоҳнинг осий қулларисиз. Сизлар Қуръондаги ибрат ва эслатмаларни ўйин қилиб, Аллоҳнинг оятларидан юз ўгириб, куй ва қўшиққа берилган ғофилларсиз. Бас, Аллоҳга сажда ва ибодат қилинг. Икрима Ибни Аббосдан ривоят қиладилар, бул киши айтадиларки: (мазкур оятдаги) “саамидууна” калимаси қўшиқ деганидир. Макка мушриклари Қуръонни эшитишганда ашула айтиб ўйин қилишарди. “Саамидууна” калимаси Яман аҳлининг тили бўлиб, қўшиқ маъносини англатади.

“Саамидууна” калимасида қўшиқ маъноси борлигини Ал-Куртубий роҳимаҳуллоҳ ҳам ўз тафсирларида келтирадилар.

Имом Ал-Бухорий роҳимаҳуллоҳ ўзларининг «۞۞۞۞۞ ۞۞۞۞» китобларининг 4-мужалладида “саамидууна” калимасини Икрима қўшиқ айтувчилар деб тафсир қилганини нақл қиладилар.

Имом Аш-Шофиъий роҳимаҳуллоҳ ўзларининг «۞۞۞۞۞ ۞۞۞۞۞» китобларида “саамидууна” калимасини қўшиқ деб тафсир қилганлар.



Ислом Нури

Ибнул-Коййим роҳимаҳуллоҳ ўзларининг «**ТАҲЗИҚУЛЛАХУЛ ҚУШУҚ**» китобларида нақл қиладиларки: Молик роҳимаҳуллоҳ ашула айтиш ва уни эшитишдан қайтарар эдилар.

Ибни Таймия роҳимаҳуллоҳ эса «**ТАҲЗИҚУЛЛАХУЛ ҚУШУҚ**» китобларида ёзадиларки: Абу Ханифа ва Моликдан (буларни Аллоҳ Ўз раҳматига олсин) бўлган ривоятда қўшиқнинг ўзи ҳам ҳаромдир.

Эй Аллоҳ барчаларимизни тўғри йўлда саботли қил!

Қўшиқ ва куйнинг ҳаромлигига асос бўладиган кейинги далил Исро сурасининг 64-оятидир. Аллоҳ таоло бу оятда Шайтонга қарата айтади:

«64 :**وَيُفْسِدُ سُبُلَ الْبَشَرِ كُلِّهَا**»

Маъноси: “Одам болаларидан кучинг етганини ўз овозинг билан (гуноҳ қилишга) қўзғат”. Ат-Тобарий, Ал-Куртубий ва Ибни Касийр раҳимаҳумуллоҳлар мазкур оятдаги “ўз овозинг билан” калимасини баъзи салаф уламоларимиз қўшиқ ва куй деб тафсир қилишганини нақл қиладилар.

Ҳурматли мўминлар, Аллоҳ таоло Аъроф сурасининг 163, 165-оятларида бир денгиз соҳилида яшовчи қишлоқ аҳлининг ҳалокати ҳақида хабар беради. Улар Аллоҳ таолога осий бўлишганда, Аллоҳ уларни хор қилиб маймунларга айлантириб қўйган. Шу қишлоқ аҳлининг хор бўлиш сабабларидан бири, уларнинг куй ва қўшиқларга берилиб, ўйин қилганликларидан экан. Келинг, бу ҳақда Ат-Тобарий роҳимаҳуллоҳ нинг шу оятлар остида Моҳон Ал-Ҳанафий роҳимаҳуллоҳ дан нақл қилган тафсирлари билан танишамиз.



Ислом Нури

(Киссани қисқартириб таржима қилдик). Бул киши айтадиларки: Денгиз соҳилида яшовчи яҳудлардан бўлган бир қишлоқ аҳли бўлиб, улар ўзларича шанба кунини бошқа кунлардан ажратишиб, у кунга хос қонунлар тузиб олишди. Шунда Аллоҳ таоло ҳам шанба кунини уларга оғирлаштириб қўйди ва бу кунда уларни балиқлар билан имтиҳон қилди. Улар Аллоҳга кўп маъсиятлар қилишди. Бориб- бориб улар шанба куни ва тунини байрам қилиб олишди. У кунда маст қилгувчи ичимликлар ичишиб, қўшиқ ва куйлар билан ўйин қилишарди. У қишлоқ аҳлининг яхши ва солиҳ кишилари уларга насиҳат қилиб айтишарди: Шўриларинг қурисин, қилаётган қилмишларингиздан тийилингиз! Шубҳасиз Аллоҳ сизларни ё ҳалок қилади, ё қаттиқ азоб ила азоблайди. Ахир ақл юритмайсизларми? Шанба кунда ҳаддингиздан ошмангиз! У фосиқлар бу насиҳатларга қулоқ тутмасдан юз ўгиришарди. Шунда у яхши кишилар: Ундай бўлса, сизлар билан ўзимиз орамизга бир девол кўтарамиз, деб девол кўтаришди. Ҳар қачон шанба куни келганда, солиҳлар у фосиқлардан эшитаётган товушлар ва қўшиғу-куйларнинг овозлари туфайли озор чекишарди. Шундай қилиб у фосиқларга бало келадиган кеча келади. Бу кечада Аллоҳ таоло уларни маймунларга айлантириб қўяди. Шунда бу кечанинг бошланишидаёқ у фосиқларнинг кийкириклари ўчади. Солиҳлар бир-бирларига: Бу қавмингизга не бўлдики, бу кечада овозлари чиқмаяпти, дейишса, бошқалари: маст қилгувчи ичимлик зўр келиб, уларни ухлатиб қўйган бўлса керак, дейишди. Солиҳлар тонг оттиришганда ҳам у фосиқлардан бирор нарса ҳис қилишмади. Яна бир-бирларига гап қилишиб, бизга не бўлдики, фосиқ қавмларимиздан бирон нарса ҳис қилмаяпмиз. Девор тепасига чиқиб, уларнинг аҳволига бир назар солчи, дейишди бир кишига. Бу киши тепага чиқиб қараса, у фосиқлар бир-бирларининг устларида тўлқин каби маймунларга айлантирилган ҳолда ётишган экан. Шунда бу киши солиҳларга қарата: Келинлар, бу фосиқ қавмингизга келган балони



Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com



Ислом Нури

чўчқалар суратига айлантирилиб қўйилиш бу умматда воқеъ бўлган. Бўлиши ҳам керак эди. Бу нарсa икки тоифада воқеъ бўлади. Биринчилари: Ёмон уламолар. Булар Аллоҳ таолонинг дини ва шариатини айлантириб юборган, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари шаънига ёлғонларни тўқигувчи кимсалар бўлади. Бундай кимсалар Аллоҳнинг динини айлантириб юборганларидек, Аллоҳ ҳам уларнинг суратларини маймунлар ва чўчқаларга айлантириб юборади. Иккинчилари: Фосиқлик ва ҳаромни ошкора қилгувчилар. Бу тоифалардан кимки бу дунёда маймун ва чўчқаларга айлантирилмаган бўлса, албатта қабрида ёки охираат кунида айлантириб қўйилади.

Ё Аллоҳ, биз ҳам тонг оттирганимизда кимнидир маймун ё чўчқага айлантириб қўйилишини кўришимиз ажабланарли нарсa эмас экан-да! Ё Аллоҳ, бу хорликдан Ўзинг асра!

Имом Ал-Бухорий раҳимахуллоҳ «□□□□□□ □□□□» китобларида келтирадилар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар:

” «□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□ □□□□□□
5/5268.□ :□□□□□□□□))

Маъноси: “Менинг умматимдан шундай қавмлар бўладикки, улар зинони, ипакни, маст қилгувчи ичимликни ва қўшиғу-куйни ҳалолга чиқариб олишади”. Билиб туриб ҳаромни ҳалолга чиқариш куфр эканлиги ақида масалаларидан маълумдир.

Муҳтарам мўминлар, бу далиллардан кейин куй ва қўшиқнинг ҳаромлиги ва хунук оқибатга олиб бориши тўғрисида иккиланмасангиз керак деб ўйлаймиз. Сизларни ҳам, бизни ҳам,



Масаланинг бу томонига далиллар келтиришга кўп ҳожат бўмаса керак деган ўй билан ушбу рисолага нукта қўйдик. фақат таъдқиқодчиларга ёрдам бўлсин деб Ибни Таймия раҳимахуллоҳнинг чиройли сўзларини ўз ҳолича қуйида келтирдик:

0000 000000 0000 00 0000000 0000 00 0000 000000 00 0000000000 000000 0000
 00 0000000 00 0000000 00 000000 00000 00000 0000000 000000000 0000 00 000000000
 00000000 00 0000 0000000 00 000000 00 0000000 000000 000000000 00000000 00000000 00
 0000 00000 0000000 000000000000 0000000000 00 0000000 0000 000000000 00000 0000 00000
 00000000 00 0000 0000000 0000 00000 0000 0000 000000000 0000000 00 00000000000 0000 00
 0000 00000000 000000 0000 000000000 00000000 00 000000000000 00 00000000 0000000
 0000000 0000000 00 0000000 00000000 00000000 0000000 0000 0000000 0000 0000 0000
 000000 00000000 00000000 0000000 00 00000000 00000 0000000 0000 000000 0000 00000 0000
 0000000000 00000 0000000 00 00000000 00000 00 0000000000 00000 0000 00000 00 0000
 00000 0000 00000000 00000000 0000000 00000 00000 0000 00000 0000 00000000 00000000 00
 0000 00 000000000 0000000 000000 000000000 00 0000000000 00000000 000000 00000 0000
 00000 0000000 00 0000000 00000 00000000 0000 00000000 00 000000 00 00000 00000000
 00000000000 0000 000000 00 00 0000000 00 00000 00000000 0000 00 0000000 00 00000000



000000 0000000 000000 00 0000 00000 000 000 000000 0000 0000
 427:0/3:0) 000 000 00 0000 00000000 000 000 000000 00 0000 000 000000000)

Фойдаланилган китоблар:

- Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com



8. Ибни Таймиянинг «**Ҳафз**» китоблари
9. Ибнул-Коййим «**Ҳафз**» китоблари
10. Ибни Хажар Ал-Аскалонийнинг «**Ҳафз**» китоблари ва бошқалар.